

11. А.А.Матин. *Неценовые методы регулирования естественных монополий в условиях трансформации экономики. Автореферат. Диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук. М.: – 2007.*
12. Ж. Сапир Естественные монополии: проблемы определения и контроля // Проблемы прогнозирования. 2004. №6. С. 46.
13. М.М.Хайкин ва В.А.Кныш. Естественные монополии в российской экономике: выбор модели регулирования. Управленческое консультирование. № 5. 2017.
14. Г.М.Николаевна. Естественная монополия в Евразийском экономическом союзе: понятие, сущность, виды и сферы деятельности. Траектория наука. [www.pathofscience.org](http://www.pathofscience.org). Электронный научный журнал. № 4(9). 2016.
15. Блэк Дж. Экономика. Толковый словарь / Дж. Блэк; пер. с англ., под общ. ред. д-ра экон. наук И. М. Осадчей. – Москва: ИНФРА-М, 2000. – 548 с.
16. О.В.Власенко ва Д.С.Тарасов. Естественные монополии и их проблемы в экономике России. Наука и общество. Сибирский торгово-экономический журнал. № 4 (25) 2016.
17. Maya Bacache-Beauvallet, Anne Perrot *Economic Regulation: Which Sectors to Regulate and How? In Notes du conseil d'analyse économique Vol. 44, Issue 8, 2017, pages 1 to 12*
18. Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши қурашии қўмитаси маълумотлари.

## БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШНИ ТАЪМИНЛАШДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИ

**Хайитов Saidжон Бахтиёр ўғли -**  
Тошкент давлат иқтисодиёт университети  
докторанти

**Аннотация.** Бугунги қунда мамлакатлар барқарор риволанишини янги босқичига олиб чиқиши учун катта куч сарфламоқдалар. Ҳукуматимиз мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятини янада ошириш учун мавжуд барча омиллардан фойдаланмоқда. Ушбу тадқиқотда мамлакатнинг иқтисодий ўйинига таъсир этувчи омиллардан бири, янги тадбир сифатида қабул қилинган фактор - давлат-хусусий шерикчилик механизмини тақомилластириш ва унинг миллий иқтисодиётимизга таъсирини оширишини ўрганиши ва таҳлил қилиш кўзда тутилган.

**Калим сўзлар.** Харакатлар стратегияси, ДХШ механизми, ДХШ ривожлантириш агентлиги, инфратузилмавий лойиҳалар, хусусий шерик, транспорт, туризм, ахолига хизмат қўрсатиш, медицинна, қурилиш, ЯИМ, иқтисодий ўсииш.

## ГОСУДАРСТВЕННО-ЧАСТНОЕ ПАРТНЕРСТВО В ОБЕСПЕЧЕНИИ УСТОЙЧИВОГО ЭКОНОМИЧЕСКОГО РОСТА

**Хайитов Saidжон Бахтиёрович -**  
докторант Ташкентского государственного  
экономического университета

**Аннотация.** Сегодня страны прилагают большие усилия для вывода устойчивого развития на новый уровень. Наше правительство использует все доступные факторы для дальнейшего увеличения экономического потенциала страны. Данное исследование направлено на изучение и анализ одного из факторов, влияющих на экономический рост страны, фактора, принятого в качестве новой меры - совершенствования механизма государственно-частного партнерства и увеличения его влияния на нашу национальную экономику.

**Ключевые слова.** Стратегия действий, механизмы ГЧП, агентство развития ГЧП, инфраструктурные проекты, частный партнер, транспорт, туризм, общественные услуги, медицина, строительство, ВВП, экономическая занятость.

## PUBLIC-PRIVATE PARTNERSHIP IN ENSURING SUSTAINABLE ECONOMIC GROWTH

**Hayitov Saidjon Baxtiyorovich -**  
doctoral student of the Tashkent state university of economics

**Abstract.** Nowadays, countries are making great efforts to bring sustainable development to a new level. Our government uses all available factors to further increase the economic potential of the country. This study is aimed at studying and analyzing one of the factors influencing the economic growth of the country, a factor adopted as a new measure - improving the mechanism of public-private partnership and increasing its impact on our national economy.

**Key words.** Action strategy, PPP mechanisms, PPP development agency, infrastructure projects, private partner, transport, tourism, public services, medicine, construction, GDP, economic employment.

**Кириш.** Мамлакатлар ўзларини барқарор ривожланишнинг янги босқичига олиб чиқиши учун катта куч сарфламоқдалар. Шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий салоҳиятини янада ошириш учун, ҳукумат мавжуд

бўйлган барча омиллардан фойдаланмоқда. Хусусан, мамлакат иқтисодиётида хусусий секторни ривожлантириш бўйича чора тадбирлар жадаллик билан амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 7 февралдаги 4947-фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси ни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг 1.2 бандида мамлакатни ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича вазифаларни амалга оширишда ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг самарасини оширишга қаратилган давлат-хусусий шерикликнинг замонавий механизмларини жорий этиш зарурлиги белгиланган. Президентимиз 2018 йил 20 октябрда имзолаган “Давлат-хусусий шерикликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий ва институционал базасини яратиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорга асосан, Молия вазирлиги ҳузурида Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги ташкил этилди.

Давлат-хусусий шерикчилик – бу хусусий сектор вакиллари ресурсларини умумжамият эҳтиёжларини қондиришга қаратилган муносабат тушунчасидмир. Яни, давлат ўз ижтимоий ва инфратузилмавий лойиҳаларини амалга оширишда хусусий сектор вакиллари билан бирлашади, ваколатлар тақсимланади ва ҳар икки тараф манфаатлари шартнома асосида ҳимояланади. Шериклик икки томонлама, лекин манфаат уч томонлама юзага келади. Бу уч манфаат шундан иборатки, биринчи, давлат хеч қандай молиявий харажат қиласдан ижтимоий хаёт функциясини бажаради ва қўшимча даромад мабаига эга бўлади, иккинчи, хусусий шерик давлатнинг кучи, имтиёзлари ва мулкидан фойдаланган холда, ўз капиталини риск остида янги йўналиш ташкил этади ва у ҳам ўз навбатида қўшимча даромад манбанини яратади, учинчи, жамимят учун ижтимоий хаёт фаровонлиги ва инфрастузилма яхшиланади, янги иш ўринлари табиий холатда яратилади ва ишсизликнинг оз бўлсада қисми бартараф этилади. Ахоли манфаатлари қисман ёки тўлиқ қондирилади. Ҳам ижтимоий, ҳам иқтисодий нуқтаи назардан бу ДХШ муносабати барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш учун оптималь йўл ҳисобланади.

Ушбу мақолада мамлакатнинг иқтисодий ўсишига таъсир этувчи давлат-хусусий шерикчилик механизмини такомиллаштириш ва унинг миллий иқтисодиётимизга таъсирини оширишни ўрганиш ва таҳлил қилиш кўзда тутилган.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шу билан белгиланадики, давлат хокимиюти органлари ва хўжалик юритувчи субъектларга юборилган тавсиялар ва хulosалар миллий, минтақавий ва ДХШ билан боғлиқ давлат дастурларида, шу билан бирга уларни ривожлантиришга қаратилган аниқ лойиҳаларда қўлланилиши мумкин.

### Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.

Илмий адабиётларда хорижий ва маҳаллий олимларнинг ДХШни ташкил этиш масалаларини ўрганишга бағишлиланган кўплаб тадқиқотлари ўрганилган. Хусусан, ДХШнинг илмий-назарий хусусиятлари МДҲ олимларидан К.А. Антонова, А.А. Алпатов, О.С. Белокрылова, И.Е. Болехов, Б.Г. Варнавский, Е.А. Дынин, Л.И. Ефимова, В.А. Михеев сингари олимларнинг асарлари, Жаҳон банкининг маърузаларида кўриб чиқилган .

Иқтисодчи олим И.Е. Болехов эса “Ҳамкорликдаги ҳаракатлар майдони. Давлат-хусусий шерикчилиги инновацион иқтисодиёт белгиси сифатида” асарида “ДХШ - давлат идоралари ва хусусий бизнес ўзаро иттифоқи ҳисобланиб, унинг мақсади – иқтисодиётнинг стратегик тармоқларидан то мамлакат миқёсида ёхуд унинг айrim худудларида хизматлар кўрсатишга қадар ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни яратиш ва ривожлантиришдан иборат”, деб қайд этади [1].

Бундан ташқари, В.Г. Варнавский, А.В. Клименко ва В.А. Королев ҳаммуаллифлигидаги “Давлат-хусусий ҳамкорлиги. Назария ва амалиёт” номли ўқув қўлланмасида “ДХШ - давлат ва жамоатчилик мулки объектлари, шунингдек, кенг доирадаги иқтисодий фаолият турларида ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида давлат ва жамоатчилик идоралари, муассаса ва корхоналари томонидан ижро этилувчи ва кўрсатилувчи хизматларга нисбатан давлат ва хусусий сектор ўртасидаги ўзаро таъсирнинг юридик жиҳатдан мустаҳкамланган шаклини намоён этади” деб таъкидлashingdi[2]. Е.А. Дынин ҳам “ДХШ – ижтимоий неъматлар яратиш ёки ижтимоий хизматлар кўрсатиш учун узоқ муддатли ва ўзаро фойдали асосда жамимят (давлат ёки маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш)нинг моддий ва номоддий ресурсларини бирлаштириш жараёнидир” деб уқтириб ўтади [3]. Давлат ва хусусий шерикчилиги турли халқаро молия ташкилотлари, хорижий ва миллий иқтисодчи олимлар, мутахассислар томонидан ҳар хил талқин этилади. Жумладан, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (ИҲРТ, ингл. OECD - Organisation for Economic Co-operation and Development) ДХШ ни –хуқумат ва бир ёки бир нечта хусусий шерикларнинг (ўзаро бажарувчи ёки молиялаштирувчи ташкилот бўлиши мумкин) ўзаро келишуви бўлиб, унга биноан шериклар хизматларни шундай тақдим этилишини таъминлайдики, бунда давлатнинг хизматларни тақдим қилиш ва хусусий инвесторнинг фойда олиш мақсадлари ўзаро муштарак бўлади ҳамда мазкур алоқанинг самарадорлиги хусусий шерикка рискларни қандай тақсимланганлигини боғлиқлигини қайд этади [4]. М.Б.Жерард эса ДХШ – бу хусусий капитални

үзига жалб қилишни ва баъзан эса ижтимоий хизматларнинг сифатини ошириш ёки давлат активларини бошқариш учун давлат капиталини ҳам жалб қилишни уйғунлаштиради деб таъкидлайди[5]. Халқаро Валюта жамғармаси томонидан берилган таърифда эса “ДХШ – давлат томонидан анъанавий тарзда таъминланадиган инфратузилмавий активлар ва хизматларни хусусий сектор томонидан тақдим этишига қаратилган келишувдир” деб таърифланади[6]. Давлат-хусусий шерикликтининг иқтисодий-ташкiliй имкониятлари тұғрисида О.С. Белокрыловой, Б.Г. Варпавского, Л.И. Ефимовой, О.А. Ломовцевой, В.А. Михеева, Т. Санниковой, Б. Столярова и А. Шмарова каби олимларнинг ҳам ишлари ўрганилиб чиқылган.

Шу билан бирга, Патрик Т.И. Лам, Венжинг Янг (Patrick T.I. Lam, Wenjing Yang) тадқиқот натижаларида шуни күрсатады, барча лойиҳалар ҳам ДХШ шаклига мос келавермайды, ёки самарасиз бўлади. Давлат ва хусусий сектор ўртасидагикарорлар қабул қилишдаги қарашлар турлича бўлиши мумкинлиги ва қайси лойиҳаларда ДХШ механизмини ишлатиш тұғрисида фикр юритган.

Поул Хартман, Жефф Огден ва Росс Жексон (Paul Hartman, Jeff Ogden, Ross Jackson) “Шартнома муддати: давлат-хусусий шериклигига тұсиқми ёки кўприк?” мавзусидаги илмий мақолаларида етказиб берувчилар томонидан инвестиция қилиш масалаларига оид икка умумий саволни ёритиб берганлар. Биринчидан, давлат агентликлари қандай принципда ишлайди ва хусусий етказиб берувчиларнинг хатарларини идрок этишида шартноманинг давомийлиги таъсири қандай? Иккинчидан, шартнома муддати хусусий инвестицияларга қандай таъсир кўрсатади? Деган саволларга давра сухбатлари ва сўровномалар, интервюлар асосида фикрларни жамлашган. [7].

Наннан Венг, Зенг Гонг, Юнфеи Луи ва Крейг Томсон (Nannan Wang, Zheng Gong, Yunfei Liu, Craig Thomson) ларнинг “Давлат -хусусий шериклик тизиминги амалга оширишда давлат бошқарувининг таъсири Буюк Британия ва Хитой мисолида: тизимли таққослаш” номли мақоласида ДХШни баҳолаш ва таққослаш учун тизимли ва инновацион таҳлилий базани Буюк британия ва Хитой учун ишлаб чиқишиган. Тадқиқот натижасида хуқумат томонидан ДХШ бошқарувини амалга оширишда концептуал моделни таклиф этишиди.

Давлат-хусусий шерикликтининг иқтисодий, институционал ва бошқарув жихатлари мавзусини ёритиб берган олим бу Белоруссия информатика ва радиотехника давлат университети профессори Колосов А.С. ҳисобланади.

**Тадқиқот методологияси.** Мақолада ДХШнинг назарий ва услубий асосларини ўрга-

нилган, шунингдек, қиёсий, таркибий ва солишимирма таҳлил қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, ДХШ агентлиги расмий маълумотлари, ҳамда Бирлашган миллатлар ташкилоти маълумотларидан фойдаланилган. Ўрганиш жараёнида таҳлил, статистик маълумотларни солишириш ва таққослаш ҳамда илмий мушохада, қиёсий таҳлил усулларидан фойдаланилган.

**Таҳлил ва натижалар.** Россиялик эксперт Н. Агазаряннинг ёзишича, давлат-хусусий шерикликтин дунё миқёсидаги ривожи учта босқичга бўлинади. [8]

Биринчи босқич: Лотин Америкаси, Шарқий Европа, шунингдек, МДҲ мамлакатлари турибди. Улар томонидан шериклик учун хуқуқий хужжатлар ва стандартларни ишлаб чиқиши устида иш олиб борилмоқда, бу йўналишдаги бозорни шакллантиришга, биринчи навбатда жорий этиладиган лойиҳаларни аниқлашга киришилмоқда. Таҳлилчининг таъкидлашича, ушбу мамлакатлар давлат-хусусий шерикликтин қай йўсинда амалга ошириш керак, бу борадаги хатарлар (риск) қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигини етарлича тушунмасдан шундай ҳамкорликни йўлга қўйишига ҳаракат қилишмоқда.

Иккинчи босқич: АҚШ, Канада, Янги Зеландия, Япония, Россия, Германия, Франция, Испания, Италия каби ривожланган мамлакатларни қамраб олади. Уларда давлат-хусусий шериклик тузилмаси шакллантирилган, норматив-хуқуқий база яратилган, янги секторлар қўшилган ҳолда бу соҳадаги лойиҳалар қамрови кенгайтирилган.

Учунчи босқич: фақатгина Буюк Британия, Австралия, Жанубий Корея ва Ирландия эгаллашган, холос. Бу мамлакатларда давлат-хусусий шериклик механизми такомиллашгани, унинг ривожи йўлидаги хуқуқий тұсиқлар бартараФ қилингани, шериклик лойиҳалари бўйича маълум оқим пайдо бўлгани, инфратузилма соҳасида бундай ҳамкорликка қўшилиш истагидаги инвесторлар сони кўпайгани кузатилади.

Давлат-хусусий шерикликтин асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

- ❖ давлат шеригининг ва хусусий шерикликтин қонун олдида тенглиги;
- ❖ давлат-хусусий шерикликтин амалга оширишдаги қоидалар ва тартиб-таомилларнинг шаффоғлиги;
- ❖ хусусий шерикликтин танлашдаги баҳслашув ва холислик;
- ❖ камситишига йўл қўймаслик;
- ❖ коррупцияга йўл қўймаслик.

Иқтисодий жихатдан қараганда, ДХШ алоҳида институционал ва бошқарув муносабатларини талаб этади. Жамиятнинг ривожланиши институтларнинг қисман шериклик асносида,

жамиятнинг институцинал базасини сақлаб қолиши асосида ташкил этилган давлат мулкини тасарруф этувчи ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш хусусий субъектлари билан бирга ривожланиш йўлини тутмоқда.

Бошқарув томонидан қаралгандага эса, Давлат-хусусий шерикчилик муносабатларида давлат мулкидан белгиланган тартибда фойдаланиш учун ташаббус хусусий сектор томонидан бўлиши керак. Давлат ва хусусий сектор ўртасида ўзига хос ихтисослашган ташкилий муносабатлар юзага келади. Хусусий сектор вакиллари эса, кўрсатилган хизмат ёки яратилган маҳсулотларни истеъмолга чиқариш натижасида даромад кўради.

Хиндистон 2018 йилда жаъми инвестицияларнинг 4%, ёки қиймати 1,2 млрд. АҚШ

доллари бўлган 100 та ақлли шаҳар қуриш дастурнида 73 та ДХШ лойиҳалари билан етакчилик қилмоқда. Шу каби мисолларни Хитой, Япония ва Корея давлатларини мисол қилиш мумкин. Jacobson журналинида 45 дан ортиқ ДХШ лойиҳаси асосидаги ақлли шаҳар лойиҳаларини таклиф қилган[9]. Ўзбекистонда эса 2 йил ичидаги катта ва кичик ҳажмдаги ДХШ лойиҳалари бўйича жами 45 та лойиҳа ишлаб чиқилган бўлиб, шундан 2020 йил ҳолатига энергетика соҳасида 12 та лойиҳа, коммунал хизматлар соҳасида 12 та лойиҳа, транспорт 4 та лойиҳа, соғлиқни сақлаш соҳасида 14 та лойиҳа, таълим ва маданият соҳасида 4 та, туризм соҳасида эса та лойиҳа ишлаб чиқилган.

### 1-жадвал

#### **Ўзбекистонда ДХШни ривожлантириш агентлиги томонидан амалга оширилаётган лойиҳалар**

| № | Соҳа            | Лойиҳалаштирилганлар                      |             | Лойиҳалаштирилаётганлар                                      |             |
|---|-----------------|---|-------------|--|-------------|
|   |                 | Тури                                      | Лойиҳа сони | Тури   | Лойиҳа сони |
| 1 | Соғлиқни сақлаш | Гемодиализ марказларини ташкил этиш       | 1           | Фарм комитет ҳамкорлигига Онкология марказини ташкил этиш    | 1           |
|   |                 |   |             | Реабилитация марказини ташкил этиш                           | 1           |
|   |                 |   |             | Кўп тармоқли шифохона қуриш                                  | 1           |
|   |                 |   |             | Диагностика маркази  | 1           |
|   |                 |   |             | Стерилизация маркази ташкил этиш                             | 1           |
| 2 | Транспорт       | Кўприклар қуриш                           | 2           | Автобус терминалларини модернизация қилиш                    | 1           |
| 3 | Коммунал хўялиқ |   | 3           | Сув ва иссиқлик таъминоти ишлари (алоҳиди ҳудудлар кесимида) | 2           |
| 4 | Энергетика      | Иссиқлик ва қуёш электр станциялари қуриш | 9           |  |             |
| 5 | Таълим тизими   |   |             | Сергели туманидаги 11 та мактабни модернизация қилиш         | 1           |
| 6 | Қишлоқ хўялиғи  |   |             | Кўп тармоқли қишлоқ хўялиги сервис марказлари                | 1           |

**Манба:** Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги қошидаги ДХШ ривожлантириш агентлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

Давлат хусусий шерикчилик агентлигининг маълум қилишича, ҳозирги кунда 15 та йирик ДХШ механизми остидаги, қиймати \$ 6.8 млрд. бўлган лойиҳа амалга оширилмоқда. Улардан 9 та лойиҳа энергетика соҳаси бўйича, 2 та лойиҳа транспорт, 3 та лойиҳа коммунал хўялиқ йўналишида ва 1 та лойиҳа соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилмоқда.

Энергетика соҳасида ДХШ лойиҳаси асосида Навоий вилоятидаги қуввати 100Мвт бўлган лойиҳанинг хусусий шериги бу БАА нинг "Masdar" компанияси бўлиб, 1 квт/соат электр энергияси учун 2.67 цент таклифи билан тендерда ғолиб бўлди ва қурилиш ишлари ҳозирда давом этмоқда.

Булардан ташқари, агентлик билан биргалиқда яна 10 та лойиҳа ташкил этиш кўзда тутилмоқда. Шулардан 5 та соғлиқни сақлаш

соҳасида лойиҳалаштирилмоқда, 1 та таълим соҳасида, яна 1 та траспорт ва 2 та лойиҳа коммунал хўялиқ учун лойиҳалаштирилмоқда. Лекин, бир нарсани унутмаслик лозим. Йирик, табиат билан уйғунлашган лойиҳаларни амалга оширишда албатта экологик муаммолар, ушбу лойиҳаларни келгуси оқибатлари тўғрисида мутахассислар холосаси асосида амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Қўйидаги жадвалда Ўзбекистон Республикасида мактабгача таълим муассасаларининг ташкилий тузилмаси жихатидан сони ва улуши таҳлил қилинган. Натижа шуни кўрсатадики, Давлат-хусусий шерикчилик самараси яққол намоён бўлади ва умумий болалар боғчаси сонининг 58 %ни ДХШ лойиҳалари асосидаги муассасалар ташкил этади.

## Мактабгача таълим муассасаларининг миқдорий таҳлили

| Мактабгача таълим муассасаларининг тури | Сони   |
|---|--------|
| Жами мактабгача таълим муассасалари     | 19 316 |
| <b>Жумладан:</b>                        |        |
| Давлат                                  | 6 258  |
| Хусусий                                 | 795    |
| Оилавий ва ДХШ асосида                  | 11 212 |
| Нодавлат                                | 1 051  |

**Манба:** Мактабгача таълим вазирлиги расмий сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Республикада умумий сони 19 316 та мактабгача таълим ташкилоти фаолияти йўлга қўйилган, уларнинг 6 258 таси давлат ва 13 058 таси нодавлат (795 та хусусий, 11 212 та оилавий ва ДХШ асосидаги 1 051 та нодавлат МТТ) мактабгача таълим ташкилотлари ташкил этмоқда. Ушбу мактабгача таълим ташкилотларида 1 760 808 нафар бола ёки мактабгача ўзидаги аҳолининг 62,4 фоизи қамраб олинган.

Бошланғич мактаб таълим билан қамраб олиш даражаси 100% ни ташкил қиласди, бироқ ўрта синфларда (5-9 синфлар) ўқитиш бўйича маълумотлар мактабга қатнамайдиган ёки иккинчи йилга қолдирилган болалар борлигини кўрсатмоқда, чунки бу даврда ўқитиш билан қамраб олинганлик даражаси атиги 94 %ни ташкил қиласди. Бундан ташқари, ўкувчиларнинг факат 91% 5-9 синфларни муваффақиятли битиради. Бутун мамлакат бўйлаб 25-30 ўздағиларнинг 12% гина олий маълумотга эга [10]. Натижада шуки, мактабгача таълимга, сифатли умумий ўрта ва олий таълимга эга бўлиш аёллар ва эркаклар учун, ногиронлиги бўлган болалар учун, шаҳар ва қишлоқ болалари учун, кам даромадли оилалар болалари учун тўла таъминланган оилалар болаларига нисбатан катта фарқ қиласди.

Иқтисодий фаолликнинг пасайиши шароитида, ДХШ лойиҳалари (Транспорт, туризм, ахолига хизмат кўрсатиш, медицинна, қурилиш) даромад олиб келишда катта қийинчиликларга дуч келади. Кўпгина холларда истеъмолчиларнинг тўловлари натиасида олиндиган даромадга тайандиган ДХШ лойиҳаларида форс-мажор хавфи заиф даражада кўзда тутилган, ёки умуман кўзда тутилмаган. Карантин туфайли Денгиз портларида юкларнинг камлиги, Авиақатновларнинг йўқлиги, ёқилғи қуиши тўловлар йўқлиги, йўллардаги хизмат кўрсатувчиларнинг (мехмонхона, овқатланиш ва бошқа пулли хизматлар) карантин туфайли даромади йўқлиги, хусусий касалхоналарда янги беморларнинг тўлов қобилияти пасайиб кетишини таъсирини ўйлаб кўриш шарт.

Дунё мамлакатларида эса, Францияда истеъмол нархлари индекси апрел ойида АҚШ да 1,5 %га, Хитойда 4,3 %га, Россияда 2,5 %,

Исландияда 2,3%га, Покистонда 9,5%га, Белгияда 0,6%га, Мисрда 10%га ошган.

**Хулоса ва таклифлар.** Шундан хулоса қилиш мумкинки, Ривожланган мамлакатларга нисбатан ривожданмаган мамлакатларда ва иқтисодиёти айни туризм ёки транспортга боғлиқ бўлган мамлакатларда инфляциянин кескин ошиши кузатилмоқда. Натижада мамлакат ахолиси истеъмол товарларга бўлган талаби кескин камайиб, айрим иқтисодий соҳалар ва хизматларнинг ишдан чиқиши юзага келади. Айни шу инқироз шароитида, озиқ-овқат маҳсулотлари ва хом-ашё ресурсларини маҳаллий ишлаб чиқариш жараёнини йўлга қўйишини шиддатли равища амалга ошириш керак. Бунинг учун айни шу соҳаларга, катта ёки кичик бўлишидан қатъий назар инвестицияларни жалб қилиш ўринли бўлади.

Мамлакат иқтисодий ўсишни таъминлашга таъсир этувчи омилларни илмий ва амалий жиҳатдан ўрганишда статистик маълумотлар, танланма усулда белгилаш, назарий фалсафий, объектив ёндашув, иқтисодий таҳлил усулларидан фойдаланиш асосида илмий хулосалар шакллантирилди. Тўпланган маълумотлар асосида тизимли ҳамда мантиқий ёндашув каби услуглардан самарали фойдаланилди.

Шу билан биргалиқда ДХШ муносабатлари илм-фан соҳасида, техника, тиббиёт, маданият ва бошқа соҳаларда амалга оширилиши мумкин.

Миллий иқтисодиёт барқарор ривожланиши учун ижобий таъсир кўрсатувчи ташқи омиллар юзага келади, масалан:

- Давлат бюджетига тушаётган юкини камайиши;

- ДХШ обьектларига сарфланаётган давлат молиявий харажатларининг шаффоғлиги юзага келади;

- Янги инновацион технологияларнинг олиб кирилиши ва эксплуатация жараёни тезлашади;

- Истеъмолчи эҳтиёжлари учун хизматлар ва товарлар аниқ ва талабларга мувофиқ ишлаб чиқарилади;

- Ижтимоий хаёт тизимини барқарорлаштиришда капитал мақсадли йўналтирилади;

- Банк ва бошқа молиявий тизимларни янада шаклланишига сабаб бўлади.

Бутун дунёда авж олган паедемия ва унинг келгусидаги оқибатларини юмшатиша ДХШ механизмининг ўрни каттадир. Тўлиқ давлат активи бўлган иқтисодий ташкилотларга нисбатан ДХШ механизмини такомиллаштириш орқали ички ва хорижий инвестиция жозибадорлигини янада ошириш талаб этилади. Хорижий инвестицияларни йўналтиришни имконияти мавуд, лекин инвентициларни пандемия сабабли ёки бошқа сабабдан фаолияти оқсаёт-ган ташкилотларга киритиш тўғри бўлади.

Иқтисодий инқироездан чиқиб кетиш ва вазиятни янада чўзилиб кетишини олдини олиш учун давлат ва банклар иқтисодиётнинг муҳим тармоқларига аралашувини ошириши ва ўз инвестицияларини киритишлари лозим бўлади. Давлат барча тармоқларни қамраб олишга қуввати етмайди. Бунда давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этилган ташкилотлар ўз фаоллигини ошириши керак бўлади.

Бизнинг фикримизча, бизнес ва давлатнинг ўзаро тъсирининг янги ташкилий шакллари ва механизмлари доирасида иқтисодиётнинг инновацион ўсиши янада тезлашувига асос бўлади. Давлат ҳусусий шерикчилиги инновацион ривожланишнинг тезлаштирувчи механизми сифатида қаралиши керак деб ҳисоблаймиз.

Шу билан биргаликда, ДХШ механизми асосида ташкил этиладиган лойиҳаларда уларнинг экологик, иқтисодий, сиёсий ва албатта ижтимоий оқибатларини инобатга олган холда ислоҳ қилиш керак деб хуласа чиқарамиз. Сабаби, келгуси авлод учун бутунги кунда биз томондан қўйилган хатоларни бартараф этиш ва нотўғри қарорлар асосида юзага келадиган глобал муаммоларга қарши қурашиб учун вақт ва маблағ сарфламасликлари лозим. Акс холда барқарор ривожланиш даражасига ета олмайди инсоният.

### Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. И.Е. Болехов "Область совместных действий. Государственно-частное партнерство как признак инновационной экономики" -М.: ГУ-ВШЭ, 2019.
2. Варнаевский В.Г., Клименко А.В., Королев В.А. Государственночастное партнерство: теория и практика: учебное пособие / Варнаевский В. Г., Клименко А. В., Королев В. А. — М.: ГУ-ВШЭ, 2010.
3. Дынин Е.А. Риски бизнеса в частно-государственном партнерстве / Дынин Е. А. // Общество и экономика. — 2007. — № 5–6. С.111.
4. Dedicated Public-Private Partnership Units: A Survey of Institutional and Governance Structures, OECD, 2010.
5. Gerrard M.B. What Are Public-Private Partnerships, and How Do They Differ from Privatizations?//Finance & Development. 2020. Vol.38.
6. Public-Private Partnerships. International Monetary Fund, 2020. 8. <http://ppp.worldbank.org/public-privatepartnership/overview/whatarepublic-private-partnerships>.
7. Paul Hartman a, Jeff Ogden b, Ross Jackson - "Contract duration: Barrier or bridge to successful public-private partnerships?" nomli maqolasi. "Technology in Society" журнали. Technology in Society 63 (2020) 101403. <http://www.elsevier.com/locate/techsoc>.
8. Замира Тоҷиева, «BOZOR, PUL VA KREDIT» илмий амалий журнал, «БПК», 2019 й. 3-сон, 2019 й.
9. Patrick T.I. Lam, Wenjing Yang-Factors influencing the consideration of Public-Private Partnerships (PPP) for smart city projects: Evidence from Hong Kong, journal homepage: [www.elsevier.com/locate/cities](http://www.elsevier.com/locate/cities) 99 (2020) 102606.
10. 2019/2020 Ўзбекистондаги болалар таҳлили" UNICEF 2020.
11. David Baxter - "How will coronavirus affect public-private partnerships?" <https://blogs.worldbank.org/ppps/how-will-coronavirus-affect-public-private-partnerships> // 10 марта. 2020 й.
12. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси расмий сати- [www.stat.uz](http://www.stat.uz)
13. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги қошидаги ДХШ ривожлантириши агентлиги маълумотлари.
14. Федосенко Е.А. Формы государственно-частного партнерства в сфере профессионального образования. Н Мир экономики и права. - N29. - 2011. -
15. Колосов, А.С. Экономические, институциональные и управленческие аспекты государственно-частного партнерства / А.С. Колосов, И.Е. Рисин / I ФЭС: Финансы, экономика, стратегия. — 2011. - N29. — С. 35-38.
16. "Государственно-частноепартнерство: содержание, организация, управление развитием"- маъзусида илмий тадқиқот диссертациясига автореферат. Муаллиф: Колосав А.С. 24.11.2011г.
17. S&P ҳалқаро агентлиги расмий сайти.
18. <https://stat.uz/uz/>;
19. <https://blogs.worldbank.org/>;
20. <https://www.spglobal.com/>;
21. <https://www.imf.org/en/>;